Уйқудан аввал ўқиладиган суралар

15:26 / 11.03.2023 2419

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Зумар сураси ва Бани Исроил (Исро) сурасини ўқимагунларича ухламасдилар».
(Термизий ривоят қилган ва буни ҳасан ҳадис деган.)
Ҳар кеча уйқусидан уйғониб кетса Оли Имрон сурасини охири

إنّ في خَلْقِ السّمٰوٰتِ والأَرْضِ

оятидан охиригача ўқишлик мустаҳаб. Чунки, икки саҳиҳ тўпламда Оиша онамиздан қуйидаги ривоят мавжуд: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар уйғониб кетсалар, Оли Имрон сурасини охирини ўқир эдилар
(Бухорий ва Муслим ривояти)

Жалолиддин домла Ҳамроқулов